



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT NAQOATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 20 декабрь, шанба • № 101 (10.980) • Эркин нархда сотилади.

БУНЁДКОРЛИК – МАМЛАКАТ КЎРКИ

МУСТАҚИЛЛИК йилларида мамлакатимизда чиндан ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ҳусусан, пойтахтимиз Тошкент қиёфаси ўзгача салобат ва гўзалик касб этаётир. Қурилган янги ҳашаматли бинолар, хиёбонлар, йўллар, кўприклар республикамизга ташриф буюрган ҳар бир кишининг дилини мамнун қилаётir.

Президентимиз Ислом Каримовнинг янги бунёд этилган жойлар билан танишиши яхши анъанага айланиси қолди.

Куни кечакорликни кўздан кечирди. Ҳалқлар дўстлиги ва Ҳадра майдонларини туаштирувчи ероғи йўлларини бир-бiri билан улашда мутаносиблиқ, уйғунлик, ўзига хослик бўлиши керак, деб таъкидлadi И. Каримов.

Янги йил арафасида яна бир иншоот – республика Олий Мажлисининг муҳташам биноси курилиши ҳам ниҳоясига етказилди. Замонавий ҳамда миллий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган мазкур иншоотни кўздан кечирар экан ҳеч нарса Президентнинг назаридан четда қолмади. Парламент биноси ён-атрофими кўкаламзорлашириш, ободонлаштириш, унинг Миллий боф билан ягона мажмууга айланиши борасида зарур маслаҳатлар берилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда, жумладан, Тошкентда бунёд



этилаётган муҳташам бинолар шаҳарларимиз кўркига кўрк кўшмоқда. Замонавий техника воситаларидан фойдаланиш, миллий меъморчилик анъаналарини кўллаш орқали курувчиларимиз катта мувоффакиятларга эришмоқдалар. Президент сидқидилдан қилган меҳнатлари учун меъмор, муҳандис ва курувчиларга миннатдорлик изор этди. Зотан, бундай маҳобатли бинолар миллатимиз фахри, она- Ватанимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик тимсоллариди.

Давлатимиз раҳбарининг иншоотлар билан танишувчи ғифода унга республика Баш вазирининг биринчи ўринbosари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Баш вазир ўринbosари Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлагановлар ҳамроҳлик қилдилар.

СУРАТДА: Президентнинг Парламент биноси билан танишув пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат.

(ЎЗА).

1998 йил – Оила йили

АЁЛЛАР МИННАТДОР

Ангрен шаҳридаги Геологлар кўргонида бўлиб ўтган бу галги тадбирiga шу ерда истиқомат қилаётган 170 нафардан кўпроқ аёллар таклиф қилинди. Узаро сұхбат шу кунларда энг долзарб бўлган оила, жамият ва давлат мавзууда борди.

Кўпигина аёллар сұхбатда қатнашиб, ўзлари меҳнат қилаётган Шаркий Курама геология-қидикув экспедицияси ҳамда «Курама» артели жамоаси мисолида хотин-қизлар муаммолари қандай ҳал этилаётганлиги ҳақида гапириб бердилар, кундаклик турмушда рўй берадиган баъзи қийинчиликлар, ўзларини ташвишга солаётган воқеалар ҳақида тўхтадилар.

Ангрен шаҳар ҳокимининг муовини ва шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Дилбар Абдуллаева хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва роли ҳақидаги сұхбатни олиб бораракан, учрашув охирида намунали фоалият кўрсатаётган кўргон хотин-қизлар кенгашини диплом билан тақдирлади.

Кўргон бадиий ҳаваскорлари намойиш этган қайнона ва келин, она ва бола ўртасидаги муносабатлар акс этган саҳна кўринишлари учрашув қатнашчиларида яхши таассурот қолдиди. Учрашув иштирокчилари «Курама» артели кўргон ахолиси турмуш шароитини яхшилаш учун яхиндан ёрдам кўрсатаётганлигини миннатдорчилек билан таъкидлadi. Жумладан, корхона ўз маблағи ҳисобидан 20-ўрта мактаб ўкувчилари учун белул транспорт хизмати ташкил этди, ҳар ойда 14 нафар ўқитувчига кўшимча 1,5 минг сўмдан маош беряпти. Мактаб ошхонасида 30 нафар ўкувчини белул овқат билан таъминламоқда.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

Мулкдор нинг янги йил совфалари

РЕСПУБЛИКАМИЗДА оммавийлашиб бораётган «Мулкдор» газетаси бундан бир ой мукаддам Узбекистон телевидениесининг «Оқшом эртаклари» кўрсатуви ходимлари билан биргаликда «Топган топалок, кайфияти чоғ» деб номланган танлов бошлаган эди. Газета саҳифалари орқали эълон қилинган «Савол-топишмок»лар кўплаб ўғил-қизларни кизикитириб қўйди. Улар топишмоқларга жавобларини «Мулкдор» таҳририятига ва «Оқшом эртаклари»га ўйлаб турдилар. Буни қарангки, 30 кун ичida болалардан 800 дан кўпроқ мактуб олинди.

Кечакорликни кўрсатаётган кўргон топалок, кайфияти чоғ» байрамига 1-, 2-, 3-, 4-, 6-мехрибонлик ўйларининг 20 нафар тарбияланувчилари ҳам таклиф этилдилар. Тадбирда иштирок этган жажилларга «Мулкдор» газетаси таҳририятининг махсус янги йил совфалари топширилди. Мехрибонлик ўйларидан келган болаларга эса кийим-кечаклар ҳам хада этилди.

Ушбу тадбирiga «Кока-кола», «Орзу» хиссадорлик жамиятини, «Восток» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Дорул-Ассалом» савдо маркази, бош кийимлар фабрикаси, «Дента-сервис», «Болалар дунёси» сингари кўплаб корхоналар бажонуди ҳамийлик қилдилар.

Биз газета таҳририяти томонидан инсон манфаатлари ийлида ташкил этилган ва ўюнтирилган бу тадбир навбатдаги хайрли ва саҳоватли ишларга дебоча бўлажаклигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

«МУЛКДОР»чиларга эса Янги йилда янги ижодий омадлар тилаймиз!

Вилоят ҳаёти.

янгиликлар, одамлар, воқеалар

САЛОМАТЛИККА ЭЪТИБОР

Ангрен шаҳрида Узбекистон кўмири қазиб олиш ва сотиш ҳиссадорлик жамияти таркибига киривчи ўнлаб корхоналар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Бунда кончиларга кўйл мөхнат шароити яратилаётгани, уларниң саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилётгани мухим омил бўлмоқда. Ҳусусан, ҳиссадорлик жамиятиянинг тиббий-санитария қисмига карашли юз эллик ўринли касалхонада даволанувчилар учун барча шароит мухайё. Касалхонада энг замонавий тиббий ускуналардан муваффакиятли фойданилмоқда. Шу вақтгача «Интратон» ва «Инфратон» аппаратлари касалликни аниқлаш

ва даволашда жуда кўл келаётган бўлса, якинда ўрнатилган лазер аппаратлари тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириди. Мазкур шифо масканида ичи ва асаб касалларни, умумий жарроҳлик ҳамда жинсий хасталиклар бўлимлари мавжуд. Касалхона қошида кунига 250 беморни қабул қила оладиган поликлиника ҳам ишлаб турбиди. Энг мухими, ҳиссадорлик жамияти корхоналарида касаллик туфайли ишга чиқмай колиц ҳоллари анча камайди.

Н. ДУШАЕВ.

ГИМНАЗИЯЛАРГА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ МАҚОМИ

«ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ги Конунни амалга ошириши йўлида Олмалик шаҳри ҳалқ таълими тизимида ҳам ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Хозир биз лицей, гимназия, техника коллежлари каби янги турдаги ўқув юртларига эгамиз, – деди Олмалик шаҳар ҳалқ таълими бўлими мудири К. Холматов. – Шу ўринда 16-гимназия, 19-мактаб-гимназия, 6-касп мактаб педагогик жамоаларининг ибратли ишларини мисол қилиб кўрсатишими из мумкин.

«Таълим тўғрисида»ги конун

Али АКБАРОВ.

«НОДИРА», «АЗИЗАБОНУ», «ТАШАККУР»...

ОЛМАЛИҚДА янги иш бошлаган хусусий фирмаларнинг номлари шундай. Шаҳарда аҳолига турли хил майший, савдо ва бошқа хизмат турларини кўрсатаётган кичик корхоналар сони муттасил ортиб бормоқда.

«Нодира» хусусий фирмаси тижорат-савдо билян шуғулланмоқдалар. Йил бошидан бери шаҳарда бир юз ўндан ортик шундай кичик тадбиркорлик тузилмалари иш бошлади.

Ҳамид СОБИРОВ.

1997 йил — Инсон манбаатлари йили

ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Тошкент туманида якунланаётган йилда ўндан ортиқ гузарлар, кўплаб турар жойлар, бешта тиббий муассаса, 1100 ўринли мактаб, 240 ўринли боғча қурилиб фойдаланишга топширилди. Юздан ортиқ ишчи ўринлари барпо этилди. Инсон манбаатлари йилида бошланган бундай хайрли ишлар Оила йилида ҳам давом этади.

ҚАДИМ замондан бошлаб тарбиянинг ўчоги, яашаш тарзимиз, аньана ва миллий удумларимиз, урф-одатларимиз шаклланган маскан — маҳалла бу одамларни бир-бираiga меҳр-оқибатли, муруватли, саҳоватли қилиб тарбиялашнинг бешиги, барчанинг ҳаёти ва турмуши, кувончи ва ташвиши билан ҳамнафас бўлган мўъжазгина ватандир. Истиқолимиз шарофати билан давлат бошқарувининг энг биринчи устуни маҳалла бўлиб қолди. Айниқса, 1997 йилнинг инсон манбаатлари йили деб эълон қилиниши маҳаллалар зиммасига янги вазифалар ва масъулият юклади.

Президентимизнинг «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш», «Кам таъминланган оиласларни ихтимиой ҳимоялашни кучайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида», «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллашириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Болали оиласларни ихтимиой кўллаб-куватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари юртимизда инсон тўғрисида ғамхўрлик ортиб бораётганинги кўрсатувчи ѿқцол мисоллардир.

Бу ишларга бош бўлган маҳаллалар замона талабидан келиб чиқсан холда мухим вазифаларни адо этмоқдалар. Фармонлар ва қарорлар ижросини таъминламоқдалар.

Буни Тошкент туманидаги 55 нафар маҳалла мисолида ҳам аниқ кўриш мумкин. Биргина мисол. Инсон манбаатлари йили деб эълон килинган 1997 йилнинг ўн ойи давомида 16 ёшгача болалари бўлган барча оиласларга нафака тўлаш ўз вақтида амалга оширилди. Бундан ташқари, туман маҳаллаларида истиқомат қилувчи ногирон оиласларга ҳокимият томонидан курилиш материаллари билан ёрдам кўрсатилди. Айни пайтда маҳалла ҳайрия жамғармаси туман бўлими уларни мунтазам моддий кўллаб-куватлаб турибди. Истиқолимизнинг олти йиллик байрамида ҳар бир маҳалладаги табаррук отахон, оноҳонлар турли совғалар билан йўқландилар.

Сўнгги йиллар ичida худудимизда янги гузарлар барпо этилди. Идораси йўқ маҳаллаларга эса

хамоа ҳўжаликлари ер ажратиб бердилар.

Эндиликда мавжуд маҳаллаларнинг деярли 90 фоизи ўз идора ва гузарларига эга бўйдилар. Бу борада «Дарҳон-2», «Ширин», «Гултепа», «Тинчлик», «Норхўж» Амин», «Муҳаммадобод», «Дўстлик» каби маҳаллаларга фаолик кўрсатишиб ўзларига чиройли бинолар қўриб олдилар.

Батан ичра кичик ватанин ҳар томонлама кўллаб-куватлашда туман ҳокимлиги, жамоа ҳўжаликлари, маъмурий идоралар вақиллари алоҳида ғамхўрлик қилмоқдалар. Натижада кўплаб маҳаллалар газлаширилди, ичимлик суви билан таъминланди. Қатор маҳаллаларда эса спорт ишошлари, маданий-маший бинолар кад кўтарди. Янги маҳаллаларга электр симлари тортилди, кўчалари обондештирилди.

Маҳаллаларда ёшлиарни ватанга муҳаббат, ҳалқимизга садоқат, урф-одатларимизга хурмат руҳида тарбиялашга ётибор ортиб бормоқда. «Ватанни севмоқ иймондандур», «Маҳалла қадриятларимиз кўзгуси», «Ислоҳотларимиз тақдир ёшлар қўлида», «Давлат, жамият, оила ва ёшлиар тарбиясига оид муаммолар» каби мавзулардаги иммий-амалий анжуманлар катта аҳамият касб этмоқда. Бу тадбирлар «Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази» «Нуроний», «Соғлом авлод», хотин-қизлар қўмитаси, ҳалқ демократик партияси, «Камолот» каби жамғарма ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилемоқда. Умуман, мустақилигимиз шарофати билан маҳаллалар йил сайнинг эзгулик, меҳр-оқибат, кадр-қимматнинг ҳақиқий масканига айландилар. Ҳусусан, тумандаги Алишер Навоий номли маҳалла республика маҳалла ҳайрия жамғармаси ва «Ҳалқ сўзи» газетаси таҳририяти биргалиқда ўтказган «Энг намунали маҳалла», «Энг намунали маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловининг совриндори бўлди. Бу маҳаллага Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вакиллари, Австралия давлатининг саёҳлари, кўшини Қозогистон республикасидан меҳмонлар ташириф буюришиди. Тумандаги «Иттифок», «Қирарик», «З. Жалилов», «М. Фани-

ев» номли, «Саноат» каби маҳаллаларда ҳам сермазмун тадбирлар ўтиб туриди. Бундай мулокотлар унинг иштироқчиларида бой таасурсот қолдирмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов «Ҳам давлат, ҳам ихтимиой ташкилотлар, янги пайдо бўлаётган бирлашмалар ва жамғармалар ўз кучларини мужассамлашириб, бир ёқдан бош қиқарип, маҳалла-мактаб-оила ҳаракатларини амалга оширишда, жисмонан бакувват, аҳлоки етук, руҳан соғлом авлод тарбиялашда ҳеч қандай куч ва маблагларни аямасликлари керак», деб таъкидлаганларидек, туманимиз маҳаллалари томонидан турли зиёратгоҳларга сафарлар уюштирилмоқда. Адиллар билан мулокотлар ташкил этилмоқда.

Ишончимиз комилки, бундан бўён ҳам бутун имкониятларни ишга солиб фидойилик ташабуси ва ташкилотчилик билан маҳаллаларимиз равнаки йўлида астойдил фаолият кўрсатсан, мустақил Ватанимизнинг гуллаб-янашига муносиб ҳисса кўшган бўламиш. Чунки, Ватан маҳалладан бошланади, деганларидек, обод ва озод юртимизнинг ривожи, фаронлашуви ҳақиқатан ҳам маҳаллаларга бөглиқдир.

ЭРКИН УЛОМОВ,

«Маҳалла» жамғармаси ва маънавият-маърифат жамоатчилик маркази Тошкент тумани бўлимларининг раиси.

● ҚИБРАЙ туманидаги фахрийлар соғломлаштириш оромгоҳи инсон манбаатлари йилида фойдаланишга топширилган қулай, шинам муассасалардан биридир. Бу ерда энг малякали шифокорлар кексалар хизматида.

Суратда: оромгоҳ бош шифокори Муножот Эрматова саломатликлари мустаҳкамлаётган фахрийлардан бир гурухи даврасида.

Даврон АҲМАД олган сурат.



ОЛАИ ҲАФТА ИТИДА

ВОҶЕСЛАР ТЎЛҚИНИДА

● ТУРКИЯ бош вазири М. Йилмаз ва РФ бош вазири В. Черномирдин Россиядан Туркияга газ етказиб бериш ҳақидаги жуда йирик шартномани имзоладилар. 1213 километрга чузиладиган газ тармогини торти 2000-йилда ниҳоясига етказилди. Кетадиган умумий маблаг таҳминан 20 миллиард долларни ташкил этади.

● БОЛГАРИЯ ва Грузия ҳамда иктиносиди соҳадаги ҳамкорликларини янги погонага кўтариш хусусида келишиб олдилар. Э. Шеварднадзенинг Болгарияга ташрифи чоғида иккӣ давлат раҳбарияти юкоридаги масалаларга таалуқли 8 тужжатга кўл кўйдилар.

● МАМЛАКАТ ташкил ишлар вазири Гавҳар Аюб Хон ўз баёнотида Покистон ялпи қирғин воситаси — ядроий куролларни тарқатмаслик ҳақидаги халқаро битимга кўшилишдан бош тортаражлигини эълон қилиди.

● ЖАНУБИЙ Африка Республикасининг Мағиленге шахрида Африка Миллий Конгрессининг 50-курлойтида мамлакат президентин 79 яшар Нельсон Манделанинг ўз ихтиёри билан президентларни таҳдиди ва партия раҳбарлигидан кетиши масаласи марказий воеа бўлди. Анжуманда Н. Мандела ўрнига унинг партийига ўринбосари ва айни пайтда вице-президент лавозимида ишләётган 55 яшар Табо Мбекенинг тайинланажаклиги мъълум қилинди.

● БИРЛАШГАН Араб Амирликларининг Шаржи аэропортига кўнаётган пайтда Тоҷикистон авиакомпанияси қарашла «ТУ-154» тайёраси ҳалқатга учради. Унинг ичидаги 86 кишидан 85 нафари ҳалок бўлди. Омон қолган атиги бир киши шифохонага ётқизилди. 17 декабрь Тоҷикистонда мотам куни деб эълон қилинди.

ЛУКСОР ФОЖИАСИ АКС САДОСИ

МИСРНИНГ Луксор шаҳридан очик ҳавода жойлашган музейда соҳир этилган террорчилик хуружи ҳақида аввал газетамизда ҳабар килган эдик. Музейга киравришдаги одамлар гавжум бўлган жойда бомба портатилиши натижасида бир зумнинг ўзида 58 нафар сайёҳ нобуд бўлган эди. Куни кечакалика Ҳатшепсут макбараси олдида мотам маъракаси ўтказилди. Унда мамлакат президенти Муҳаммад Ҳусни Муборак ва Миср жамоатчилигининг йирик арабоблари иштирок этилар. Йигинда «Луксордан бутун жаҳонга мактуб» деб аталган маҳсус нома ўқиб эшиттирилди. Муаллифи Нагиб Махфуз бўлган мазкур матнни артист Умар Шариф таъсирли овозда ўқиди. Унда дунёнинг турли жойларидан келиб, ҳалок бўлганлар оиласларига узр айтилди ва ҳамдадрлик билдирилди.

УМУМБАШАРИЙ МУАММОНИ ЕЧИШ ЙЎЛИДА

МАНА, неча йилдирки, бутун дунё олимларини, давлат арбобларини, оддий кишиларни бир қарашда унчалик мухим бўлмаган бир муаммо кийнаб келмоқда. У ҳам бўлса, Ер курасида ҳаво ҳарорати ҳар ийли тобора маълум бир дараҷада илиб бормоқда. Бу курасиётнинг олди олинмаса, бир неча йиллардан сўнг ер юзида катта фалокат рўй бериши мумкин. Умумий иқлимининг обдон қизиши дунё юзида барча тирик жонзотни маҳв этиши турган гап.

Якинда Япониянинг Киото шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигига навбатдаги ҳалқаро конференция ўтказилди. Ўн бир кун давом этган мазкур йигинда жаҳоннинг 161 мамлакатидан вакиллар иштирок этиди. Кескин ўтган музокаралардан сўнг 2008-2012 йилларга бориб, ҳавога «парник» деб аталмиш газ микдорини 1990 йилга нисбатан 5,2

фоизга кисқартишга қарор килинди. Мальумки, бундай газлар таркиби кўмір-ишқор, метан, азотли биримлар киради. Уларни фазовий мухитга кўллаб чиқариш Ер курасидаги ҳаво сифатига ўта салбий зарар етказмоқда.

Киотодаги йигинда жаҳондаги барча мамлакатлар бир неча гурухга бўлниди. Ривожланган 39 мамлакат — Оврупо Итифоқи, АҚШ, Япония биринчи гурухга мансуб деб белгиландилар. Экология жихатидан анча тоза хисобланган Исландия, Норвегия, Австралия иккичи гурухга кирди. Россия, Украина сингари давлатлар эса алоҳида гурухни ташкил этиди. Шундай килиб, 2008-2012 йилларгача атроф-мухитга чиқараётган зарарли газларни Япония б фоизга, АҚШ 7 фоизга кисқартирадиган бўлдилар. Бу ишлар 2010 йилга бориб тўлиқ адо ютиши шарт.

Киото анжуманида қабул қилинган умумбашарий ҳужжат дунёдаги 55 мамлакат парламенти уни маъқуллаганидан сўнг кучга киради.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● ГРУЗИЯДА кулги ва ҳазилни жуда яхши қўришади. Якинда Русстави шаҳридан камоқхоналардан бирида ақлилар ва зукколар беллашуви ўтказилди. Махбуслар ўтасида уюштирилган ушбу тадбирга Грузия иччи ишлар вазирилиги департamenti бошлиги бўлган генерал Ҳариф Шариф таъсирли овозда ўқиди. Унда дунёнинг турли жойларидан келиб, ҳалок бўлганлар оиласларига узр айтилди ва ҳамдадрлик иштирок этилди.

● НЕПАЛ пойтахти Катманду аэропортида ушбу мамлакатга 100 килограмм олни олиб ўтмоқчи бўлган Шимолий Корея дипломати кўлга тушди.

● ХИНДИСТОННИНГ Уттар-Прадеш вилоятидаги Ганга дарёсида одамларни олиб ўтётган паром ағдарилиб кетди. 36 киши ҳалок бўлди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

ДИДАБИДАРДИШДОН

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ҚҮМИТАСИ САҲИФАСИ

ҲАМИША АРДОҚКА ЛОЙИК

Ўзбекистон Олий Мажлисинг Х сессиясида республикамизда табиат муҳофазасига қаратилган яна икки муҳим қонун лойиҳаси кўрилади

ЖОРИЙ ЙИЛ МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗ ТАРИХИГА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ СИФАТИДА ЗАРҲАЛ ҲАРФЛАР БИЛАН ҚАЙД ҚИЛИНАДИ. У экологлар учун ҳам шонли йил бўлди. **Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ишлар кўлами янада кенгайди.** Олий Мажлисимиzinинг бир неча кундан кейин бўладиган X-сессиясида ҳам бу масалага яна бир бор қайтилади. **Унда мамлакатнинг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари муҳокама қилинади.** Улар ҳам, аввало, инсон манфатларига хизмат қиласи, республикамизда табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш давом этиётганини кўрсатади.

Жорий йилда вилоятимиз табиатни муҳофаза қилишда муййин ютуқларга эришилди. Ҳавога турилди зарарли чикнандиларни чиқариш 10 минг тонна камайди. Ифлос оқавалар хажми эса 10 миллион куб метрга қисқарди. Ерларни «даволаш» давом этмоқда.

Соғлом турмуш тарзининг асосий омилларидан хисобланган ҳаво ва сувнинг янада тоза бўлишида экологларнинг фаол ёрдамчилари бўлган шахарлар ва туманлар ҳокимликлари, «Соғлом авлод учун», «Экосан», «Қизил ярим ой», «Экология ва хотин-қизлар» жамғармалари, махаллалар, СЭС, ДАН ва бошқаларнинг муносиб хиссаси бор.

Ушбу мақолада республикамиз мустақиллигининг олти йилигига багишил ўтказилган «Экология ва ҳалқ саломатлиги» кўрик танловида фаол қатнашган ва яхши натижаларга эришганлар номини алоҳида мамнуният билан тилга олишин истардик. Чирчик, Ангрен шахарлари, Кўйичирик, Ўртачирик, Паркент, Тошкент, Бўстонлиқ туманлари, Янгийўлдаги «Мехнат» ижарачи ишлаб чиқариш жамоаси, Ангрендаги «Элерем» ва «Саноаткалингозасавдо» хиссадорлик жамиятлари, Янгийўлдаги 2503-автохамламаси, Чотқол тоф-ўрмон биосфера кўриқонаси, «Меҳржон» болаларни соғломлаштириш оромгоҳи, Чиноз туманидаги 40-мактаб, Бекобод шаҳридаги

«Муқимий», Янгийўл туманидаги «Деҳқонобод», Ангрендаги «Гулбог» маҳаллалари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўсиб келётган авлодни экологик тарбияси тобора кенгайиб ва чукурлашиб бормоқда. Жорий йилда ҳам бу соҳада катта ишлар қилинди. Биз экологлар олти йилдан бери вилоят ҳалқ таълими бошқармаси ва ўқитувчилар малақасини ошириш институти жамоалари билан яқин биргалиқда ишлап япмиз. Бу соҳада муйян тажриба ҳам тўпланди. Шу асосда аҳолида ва ёш авлодда табиатта асрб-авайлаб муносабатда бўлиш кўнгилмаларини янада кучайтириш мумкин бўлади.

Вилоятимизда атроф-муҳит мусафолигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал килишда, экологик тарбияни кучайтириша матбуот, телевидение, радио катта кўмак бермоқда. Биз 7 йилдан бўён вилоят «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририятлари билан ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Фақатгина жорий йилда бу газеталарда экологик мавзу бўйича 250 га яқин мақола-хабар босилди. «Ишонч» — «Доверие», «Правда Востока», «Дўст» газеталари таҳририятлари ҳам вилоятимизда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида олиб борилётган ишларни озми кўпми ёритмоқдалар.

Йил якунида вилоят минтақавий ва туман табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг ишончли ёрдамчилари — бизнинг норасмий нозирларимизга миннатдорчилик тўйгуларини изхор этмоқчиман. Чунки, улар ишимиздага фаол қатнашмоқдалар ва унинг самарали бўлишига муносиб улуш кўшмоқдалар. Бундай фаоллар барча шаҳар ва туманларда бор. Ангрендан У. Ахмедов, оҳангаронлик Н. Исаев, Д. Раҳимов (Янгийўл шаҳри), С. Шин, Н. Мошенов (Юқоричирик тумани), Ф. Дўстов (Паркент), Н. Емцов (Ўртачирик тумани), В. Елисейкин (Бўстонлиқ тумани) ва бошқа ўнлаб норасмий нозирларимиз ҳақида фақат илик сўзлар айтиш мумкин.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1998 йил — Оила йили деб эълон қилинди. Бу йилда оиласлар фаровонлигини кўтаришига қаратилган жуда кўп чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш бу катта ишнинг таркиби қисмидир. Атроф-муҳит соф бўлса, ҳалқимизнинг саломатлиги ҳам мустаҳкам бўлади. Шунинг учун биз экологлар барча табиат ошиқлари билан биргалиқда нафас олаётган ҳавомиз, ичаётган сувимиз, ризк-рўзимиз манбай хисобланган тупроғимизнинг тоза бўлиши учун ҳормай-толмай курашеваримиз.

**Турғун ЭРГАШЕВ,
Вилоят табиатни
муҳофаза қилиш
қўмитасининг раиси.**

ТАРТИБНИ БИЛИШ КЕРАК

ТУМАНИМИЗ миёсида якка тартибда уй-жой, хўжалик бинолари қуриш миқёслари йил сайин кенгайиб бормоқда. Бу ўз навбатида бинокорлик, айниқса, деворбоп материалларга талабни оширяпти. Шуни ҳисобга олиб, туманимизда бешта фишт заводи барпо этилди. Уларда ишлаб чиқарилган фишт пешма-пеш сотилмоқда. Бундай бинокорлик материалыни тайёрлаш учун маҳсус тупроқ ишлатилади. Бунинг учун цехларнинг ўз хом ашё манбалари бўлиши керак. «Ачамалий» ва Б. Умаров номли хўжаликларидағи цехлар шундай маңбага эга. Колган цехларнинг бундай бўлинмалари бўйича хужжатлари расмийлаштирилмаган. Бу табиатни муҳофаза қилиш нозирлари эътиборидан четда қолмади ва уларнинг раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

**И. АЗИМОВ,
Бўка тумани табиатни
муҳофаза қилиш
қўмитасининг раиси.**


18 ТОННА КАМАЙДИ

ЯНГИЙЎЛДАГИ 2503-СОНЛИ АВТОХАМЛАМАДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ГАЗ АСОСИДА ИШЛАШГА ЎТКАЗИШ БУ ЙИЛ ҲАМ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Бешта автомашинада газ асосида ишлай бошёқилғининг бу арzon ва экологик соф турини фойдаланишини йўлга кўйиш режалаштирилган эди. Бунинг учун 1 миллион 200 минг сўм сарфланди ва режа анча барвақт уddyаланди. Назарда тутилган барча автотранспорт воситаси

газ асосида ишлай бошёқилғининг бу арzon ва экологик соф турини фойдаланишини йўлга кўйиш режалаштирилган эди. Бунинг учун 1 миллион 200 минг сўм сарфланди ва режа анча барвақт уddyаланди. Назарда тутилган барча автотранспорт воситаси

А. РИХСИБОЕВ.



Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экология экспертизаси бошқармасининг бош мутахассиси Абдураҳмон Жабборов, етакчи ходим-

лар Абдукарим Абдураимов ва Гайбулла Жўраевлар иш юзасидан ўзаро сұхbatлашмоқдалар.

Владимир ГРАНКИН олган сурат.



• Ўзбекистонда ЮНЕСКО клуби • Корхонанинг ибратли иши • Оромгоҳга — Орол бўйидан

Сўраган эдингиз

«Шу йилнинг 20-22 ноябрь кунлари республикамиздаги пойтахтида «Экологик таълим ва саноатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муммоси» мавзууда ҳалқаро илмий-техника конференцияси бўлиб ўтди. Бу ҳақда матбуотда кисқагина аҳборот берилди, холос. Биз бу конференциянинг иши ҳақида батағсилроқ мақола беришингизни истар этди.

Турсун ҲАСАНОВ,
Акмал ТОЖИЕВ,
Ангрен шаҳри».

АВВАЛО шундай ҳалқаро конференциянинг ўтказилиши республикамизда табиатни муҳофаза қилиш ишларига ва ўсиб келаётган авлод, бутун аҳолининг экологик билимни оширишга катта эътибор бериладиганлигини кўрсатади. Атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш эса ҳар бир инсонда экологик тушунчани шакллантириш ва такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Ҳалқаро конференциянинг ўтказилишидан асосий мақсад ҳам шу эди.

Бу анжуманинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Экосан» ҳалқаро жамғармаси, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техникауниверситети ташкил этди. Шунингдек, уни тайёрлаш ва ўтказиша вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фаол қўмаклашди. Конференцияда ЮНЕСКО, катор чет эл давлатлари, МДҲ мамлакатларининг вакиллари, йирик олимлар ҳамда ҳалқ хўжалигининг етакчи тармоқлари ходимлари қатнашилар.

Бундай конференция илгари ҳам ўтказилган эди. Лекин иккинчи анжуман ҳар томон-

ЖАҲОНДА ҚИЗИҚИШ УЙФОТМОҚДА

Республикамизда бўлиб ўтган ҳалқаро анжуманда ЮНЕСКО ва кўплаб ҳорижий давлатларнинг вакиллари иштирок этдилар

лама кенг қамровли бўлди. Уни тайёрлашда ташкилий қўмита иштирокчилар учун 129 та мъуроза матнини тарқатди. Бу мъурозаларнинг кўпчилик қисми иккى кун давомида 4 та секциядаги тингланди ва муҳокама қилинди. «Экология ва экологик таълимот муммолоси», «Саноат чиқандиларини тозалаш усуулларини ишлаб чиқиши», «Саноат чиқандиларини саклаш ва қайта ишлаш», «Саноатда янги чиқитсиз технологиялар» — шўйбалар шундай деб номланди.

Ташкилий қўмита раиси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техникауниверситетининг ректори Т. Миркомиловнинг экологик таълим ва ёшларни тарбиялаш муммолоси мъурузаси конфе-

ренция катнашчиларида катта қизиқиш ўйғотди. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конунидаги мамлакатимиздаги ҳалқининг экологик таълимни ва тарбияси мажбурий эканлиги тўғрисида маҳсус модда бор. Тошкент Давлат техникауниверситетидаги узлуксиз экологик таълимот амалга оширилмоқда. Бу соҳа бўйича ишлар гимназиядан бошланиб, университетида ташкил этилган лицей-да, колледжа давом эттирилиб,

лан алоқаларни мустаҳкамлаш учун чоралар кўриляпти. У Ўрта Осиёда экологик олдиндан билиш марказини барпо этиш ва бунга хорижий инвесторларни жалб қилиш таклифи олдинга сурди. Айни вақтда Тошкент Давлат техникауниверситетидаги корхоналарнинг муҳандис-техник таркиби учун экологик таълимот амалга оширилмоқда. Конференция арафасида Ўзбекистон ЮНЕСКО ижроиянинг аъзоси деган юксак мақомини

амалга оширилмоқда. Целлюлоззани шолипоя, сомон ва гўзапоядан олиш Ангрендаги «Ўзқалинқозидиши» ҳиссадорлик жамиятида ҳам муввафқиятида йўлга кўйилганлиги алоҳидаги таъкидлари.

Совутиш хўжалигида фреондан фойдаланиш табиатга катта зарар келтирмоқда. У ҳавонинг озон қатламини бузаяпти. Шунинг учун ҳам бутун дунёда унинг ўрнига бошқа моддани ишлатиш бўйича изланиш олиб борилмоқда. Жумладан, Олмония, Хитой, Хиндишонда фреон ўрнида пропан-бутандан фойдаланиш кенг йўлга кўйилди. Агар бир килограмм фреоннинг нархи 2,5-3 доллар турса, шунча миқдордаги пропан-бутан баҳоси узоги билан 25 сўмга боради. Хозир Гулистандаги «Холод» марказида бу усул тажрибада синааб кўрилмоқда. Бу факат арzonгина бўлиб қолмай, табиатга зарар келтирмайди ва ниҳоятда ҳавфисизидир.

Конференцияда табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа жуда кўп муаммолар ҳам муҳокама қилинди. Ҳеч шубҳасиз, бу анжуман мамлакатимизда экологик таълимни яхшилашга, кенг ҳалқ омомаси онгига табиатга арабавайлаб муносабатда бўлиш ҳиссини кучайтиришга ва умум табиатни муҳофаза қилиш ишларининг янги босқичга кўтарилишига олиб келади. Бу пирорвад натижада соғлом турмуш тарзининг таркиб топлишига хизмат қиласи.

**Чара ПЕРЕПЕЛИЦИНА,
вилоят табиатни
муҳофаза
қилиш қўмитасининг
бош мутахассиси.**



Кейинги йилларда Корақалпостон ва Хоразмнинг экологик аҳволи ёмонлашган ҳудудларидан юзлаб болаларни оромгоҳ ўз бағрига олмоқда. Биргина ўтган ёз ойларидаги Орол бўйининг ёш Фуқароларидан 400 киши дам олиб, даволанди. Бу ердаги соғ ҳаво, тиник сув, гўзал табиат уларнинг соғликлари яхшилашишига ижобий таъсир қилди, албатта.

Собир ҲАМИДОВ.

«МЕҲРЖОН» МЕҲРИГА ТЎЙИБ...

ЎРТАЧИРЧИК туманининг хушманзара қўйнида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳининг шуҳрати вилоятимиз ташқарисида ҳам кенг ёйилган. Чунки, бу ерда республикамизнинг экологик жиҳатдан аянчли

худудларидан келган кўплаб болалар ўз саломатликларини мустаҳкамламоқдалар. Яқинда оромгоҳ ўзининг 20 йиллик кутлуғ санасини нишонлади. Шу даврда минглаб ўкувчилар унинг бағрида хордиқ чиқардилар.

Ўрганинг, қўлланинг!

ҚАЙТА ИШЛАТИЛМОҚДА

АНГRENДАГИ «Ўзбекрезино-техника» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар мунтазам амалга оширилмоқда. Бунинг учун ҳар йили кўплаб маблаг ахратиляпти. Белгиланган тадбирларни амалга ошириш доим қаттиқ назорат қилинмоқда. Шунинг учун ҳам корхонанинг барча бўлинмаларида экологик аҳвол яхшилаши билан боряяти.

Бундай ишларнинг салмоқли самарасини биргина автомобил саройи мисолида ҳам кўрса бўлади. Бир-вактлар у атроф-муҳитни ифлослантируви манба ҳисобланарди. Саройда 63 та автотранспорт ва 16ta кишилк хўжалик машиналари бўлиб, уларнинг ёнилиғи ёнадиган кисмлари доим ҳам соз ҳолда бўлмас, оқитбатда ерга нефть маҳсулотлари тўкилар, мёёргагидан анча кўп газ-тутун чиқариларди. Сарой раҳбарлари буни бартараф этиш учун астойдил киришганларидан кейин кўп ўтмай ахвол тубдан ўзгара бошлади. Эндиликда сарой жамоасининг иши бошча турдош корхоналарга намуна килиб кўрсатиладиган бўлиб колди.


Одатда автотранспорт воситалари тез-тез юшиб турилади. Бунинг учун ачагина микдорда обиҳёт сарфланади. Илгари ифлос бўлган оқавалар етарли тозаланмай сув манбаларига оқизиб юбо-

риларди. Сарой маъмуриятининг саъи-харакати туфайли бу барҳам топди. Автотранспорт воситалари ювиладиган маҳсус хона ишга туширилди. Бу ерда ишлатилган сув ўрнатилган идишларда тўлланиб тиндириладиган бўлди. Шу йўл билан уни қайта фойдаланиш йўлга кўйилди. Ҳар ойда минглаб куб метр ичимлик сув тежалиш имкони туғилди.


Саройдаги транспорт воситаларининг ҳар бирни учун токсик талонлар тутилган. Бу талонда автомашинлар ва тракторлардан чиқадиган газ-тутун микдори ҳар куни иккى марта ўлчаб борилади ва сарой бўйича юритилаётган маҳсус дафтарда қайд қилинади. Ўёқи бу автотранспорт воситаларидан ҳавони ифлослантируви бундай моддалар мёёргагидан кўпроқ чиқадиган бўлса, дарҳол уни бартараф этишига киришилади.

Ҳозирги вақтда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган бошқа тадбирлар ҳам кўрилмоқда. Ёнилиғи саклаш ва кўйиш омборхонасини қайта ишларни кунлар ичди бошланади. Қор-ёмғир сувларини йиғувчи ариклар курилиши режалаштирилди. Бундай сувлар шу иншотларда тиндириб тозалангача шаҳар канализация тармоғига оқизиб юборилади. Ўйлаймизки, сарой раҳбарияти бу соҳадаги ишлар кўлумини янада кенгайтириб боради.

А. МИРАЛОВ.



• Шўрҳок ерда ҳам ўсади • Яна ва яна сув ҳақида •



«БАЛИҚЧИ»НИНГ БАЛИФИ

Одатда балиқни пархез таомлар қаторига күшишади. Ҳақиқатдан ҳам у инсон саломатлиги учун жуда фойдали. Вилоятимизда ана шундай құмматли озик овқат маҳсулоти етиштирувчи қатор хұжаликлар ишлаб турибди. «Балиқчи» улар орасыда энг иириги ҳисоблады. Ҳар иили бу очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияты жамоаси сентябрь ойидан бошлаб февраль ойигача ўзи етиштирган маҳсулотини республика пойтахти ва Тошкент вилоятига, яқындан бошлаб эса Самарқанд вилоятiga ҳам етказиб бермоқда. Хұжаликнинг умумий майдони 2,5 мингектардан иборат. Бу ерда салқам 60 та балиқ етиштирувчи ҳавзалар мавжуд. Уларда балиқ етиштириш ҳажми тобора кўпайиб бермоқда. Жорий йилда 3,5 минг тоннага яқин пархез гўшт эл дастурхонига тортиқ қилинди. Бу ўтган йилдагига нисбатан икки баробар кўпдир.

Суратда: хұжалик балиқчиларидан Рустам Утегенов, Дониёр Алимқулов ва Анербай Зубайдеев ҳавзаларнинг бирида балиқ тутишапти.

Собир ЗУФАРОВ
олган сурат.

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИ ТАДҚИКИ

Ўзбекистонимизнинг ўсимликлар дунёси ниҳоятда бой. Ҳозиргача уларнинг 4148 тури аниқланган, 577 тури шифобаҳи ҳисобланади. Ўлкамизнинг яшил бойлигини ўрганиш ва тадқиқ этиш йўлидаги изланишлар яхши самаралар бермоқда. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ботаника илмий-тадқиқот институти олимларининг саъй-харарати билан она-табиат яратган ўсимлик дунёсини инсониятга хизмат қилдириш борасида кўп иш бажарилганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Институт олимларининг Тошкент вилояти ҳудудидаги яшил бойликларни саклаб колиш ва уларнинг янги турларини кўпайтиришга каратилган тадқиқотлари йил сайнен кенгаймоқда. Ўсимликларнинг хусусиятлари атрофлича ўрганиб чиқиди. Шунингдек, озуқабоп

кўқатларнинг тўйимлилик даражасини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари олиб бориляпти.

— Олимларимизнинг жиддий изланишлари бир қатор янгиликларга асос бўлди, — дейди институт бўлими мудири Р. Шоёкубов. — Коллекция тажриба майдонида 40 турдаги ўсимлик хусусияти текши-

риб кўрилди. Шулардан 25 турдаги шўрҳок ерларда ўсишига мослашгани аниқланди. 100 гектар майдонда тажриба ишлари олиб борилди.

Вилоятнинг Олатов тоғлиқ ҳудудида ўтизилган кузатишлар 33 турдаги ноёб ўсимлик йўқолиб кетиши ҳавфи остида эканлигини кўрсатди. Уларни саклаб колиш ва муҳофаза қилиш тадбирлари ишлаб чиқиди.

Ўсимлик катламининг таркиби ва уларни ўстиришнинг муҳим омиллари ҳам пухта тадқиқ қилинди. Юқоричирик луб заводи, «Ўзбекистон» паррандачиллик фабрикаси, «Янги ҳёт» чорвачиллик мажмуасида бундай изланишлар ривожлантирилди.

